



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 14 » aprel

№ 217

Toshkent sh.

Энергия самарадор ва энергия тежовчи қурилмаларни харид қилиш ҳамда ушбу мақсадлар учун олинган кредитлар бўйича фоиз харажатларининг бир қисмини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан компенсация ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиёт тармоқлари
ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи
технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини
ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил
22 августдаги ПҚ-4422-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, энергия
самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш
ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришни қўллаб-
куватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

**1. Куйидагиларни назарда тутувчи Энергия самарадор ва энергия
тежовчи қурилмаларни харид қилиш ҳамда ушбу мақсадлар учун
олинган кредитлар бўйича фоиз харажатларининг бир қисмини қоплаш
учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан
компенсация ажратиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ
тасдиқлансин:**

Энергия самарадор ва энергия тежовчи қурилмаларни харид қилиш
ҳамда тижорат банкларидан ушбу мақсадларга олинган кредитлар бўйича
фоиз харажатларининг бир қисмини қоплаш учун талаб этиладиган
компенсация миқдорини ҳисоблаш тартиби;

Энергия самарадор ва энергия тежовчи қурилмаларни харид қилиш
ҳамда тижорат банкларидан ушбу мақсадларга олинган кредитлар бўйича
фоиз харажатларининг бир қисмини қоплаш учун талаб этиладиган
компенсацияни ажратиш тартиби.

**2. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги Молия вазирлиги,
Миллий ахборот агентлиги, Миллий телерадиокомпанияси, Ахборот ва
оммавий коммуникациялар агентлиги билан биргаликда ушбу қарорнинг
мазмун-моҳиятини оммавий ахборот воситаларида мунтазам ва кенг ёритиб
борсин.**

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хукуқий хужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринbosари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Кўчкоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси энергетика вазири А.С. Султанов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “14” апрел даги 217-сон қарорига
илова

**Энергия самарадор ва энергия тежовчи қурилмаларни харид қилиш
ҳамда ушбу мақсадлар учун олинган кредитлар бўйича фоиз
харажатларининг бир қисмини қоплаш учун Ўзбекистон
Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан
компенсация ажратиш тартиби тўғрисида**
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом энергия самарадор ва энергия тежовчи қурилмаларни харид қилиш ҳамда ушбу мақсадларга олинган кредитлар бўйича фоиз харажатларининг бир қисмини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан компенсация ажратиш тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан компенсация (кейинги ўринларда – компенсация) куйидаги харажатларининг бир қисмини қоплаш учун ажратилади:

жисмоний шахсларга – қуёш фотоэлектрик станциялари, қуёш сув иситкичлари, шунингдек, энергия самарадор газ-горелкали қурилмаларни сотиб олиш харажатлари;

жисмоний ва юридик шахсларга – қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари, энергия самарадор газ-горелкали қурилмалар ва қозонлар, шунингдек, энергия самарадор бошқа ускуналарни харид қилишга олинган тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз харажатлари.

2. Ушбу Низом талаблари 2020 йил 1 январдан бошлаб ўз маблағи ҳисобидан энергия самарадор ва энергия тежовчи қурилмаларни харид қилган ва ўрнатган жисмоний шахсларга, шунингдек тижорат банклари кредитлари асосида харид қилган ва ўрнатган жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан татбиқ этилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги Конун лойиҳасини ишлаб чиқишида энергия самарадор ва энергия тежовчи қурилмаларни харид қилиш ҳамда тижорат банкларидан ушбу мақсадларга олинган кредитлар бўйича фоиз харажатларининг бир қисмини қоплаш мақсадида компенсация ажратиш учун зарур маблағларни назарда тутади.

4. Компенсация Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан куйидаги миқдорларда ажратилади:

а) жисмоний шахсларга қүёш фотоэлектрик станциялари, қүёш сув иситкичлари, шунингдек, энергия самарадор газ-горелкали қурилмаларни сотиб олиш харажатларининг 30 фоизи миқдорида, бироқ:

қүёш фотоэлектрик станциялари учун – 3 миллион сўмдан;

қүёш сув иситкичлари учун – 1,5 миллион сўмдан;

энергия самарадор газ-горелкали қурилмалар учун – 200 минг сўмдан ошмайдиган миқдорда;

б) қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари, энергия самарадор газ-горелкали қурилмалар ва қозонлар, шунингдек, энергия самарадор бошқа ускуналарни харид қилиш учун олинган тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз харажатларининг бир қисми қоплашга:

жисмоний шахсларга – 500 миллион сўмдан ошмайдиган кредитлар бўйича – Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкасидан ошган қисмида, бироқ 8 фоиз пунктидан кўп бўлмаган миқдорда;

юридик шахсларга – 5 миллиард сўмдан ошмайдиган кредитлар бўйича – Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкасидан ошган қисмида, бироқ 5 фоиз пунктидан кўп бўлмаган миқдорда.

5. Компенсация жисмоний ва юридик шахснинг хоҳишига кўра 4-банднинг “а” ёки “б” кичик бандларида назарда тутилган харажатларнинг фақат битта тури бўйича ажратилади.

6. Энергия самарадор, энергия тежовчи қурилмаларнинг, шунингдек, уларни синаш усуулларига нисбатан талабларни белгилайдиган халқаро стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш ишлари халқаро молия институтлари ва донор мамлакатлар томонидан тақдим этиладиган молиявий ва техник қўмак, шу жумладан, грант ва кредитлар доирасида амалга оширилади.

7. Энергия самарадор ва энергия тежовчи қурилмаларни харид қилиш ҳамда тижорат банкларидан ушбу мақсадлар учун олинган кредитлар бўйича фоиз харажатларининг бир қисмини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан компенсация тўлаш ушбу Низомга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

2-боб. Компенсация миқдорини ҳисоблаш тартиби

8. Компенсация миқдорини ҳисоблаш ва уни ажратиш ушбу Низомга 2-иловада келтирилган намунавий таркиб асосида шакллантириладиган Энергия самарадор ва энергия тежовчи қурилмаларни харид қилиш ҳамда тижорат банкларидан ушбу мақсадлар учун олинган кредитлар бўйича фоиз харажатларининг бир қисмини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан компенсация миқдорини ҳисоблаш ва ажратиш бўйича туман (шаҳар) ишчи гуруҳи (кейинги ўринларда – ишчи гуруҳ) томонидан амалга оширилади.

Ишчи гуруҳ таркиби туман (шаҳар) ҳокими қарори билан тасдиқланади.

9. Талабгор жисмоний ва юридик шахслар (кейинги ўринларда – талабгор) компенсация ажратиш юзасидан ушбу Низомга 3-иловада келтирилган шакл бўйича ариза билан ишчи гурухга мурожаат қиласи.

Аризага қуйидагилар илова қилинади:

энергия самарадор ва энергия тежовчи қурилмаларнинг сертификати ва техник паспорти;

энергия самарадор ва энергия тежовчи қурилмаларни харид қилиш ва ўрнатиш бўйича тижорат банки билан тузилган кредит шартномаси ҳамда кредит ажратилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

энергия самарадор ва энергия тежовчи қурилмалар ҳамда унинг бутловчи қисмлари харид қилинганлиги тўғрисидаги (ижрочи билан тузилган шартномалар) ва ўрнатилганлиги тўғрисида тегишли қурилиш, синов-созлаш ишларига оид техник ҳужжатлар;

жисмоний шахснинг фуқаролик паспорти ёки юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси нусхалари;

тижорат банкидаги банк картаси ёки шахсий ҳисобварағига оид маълумотлар.

10. Ушбу Низомнинг 9-бандида қўрсатилган ҳужжатлар талабгорлар томонидан ишчи гурухга почта ёки электрон алоқа воситалари орқали тақдим этилади.

Талабгорлар тақдим этилган ҳужжатлар ҳамда уларда қўрсатилган маълумотларнинг ишончлилиги ва ҳаққонийлиги учун жавобгар бўлади.

11. Ишчи гурух ариза тушган кундан бошлаб 10 иш куни мобайнида ушбу Низомнинг 9-бандида қўрсатилган ҳужжатларнинг тўғри ва тўлиқлигини текширади ҳамда энергия самарадор ва энергия тежовчи қурилмаларни қурилиш-созлаш ишлари ёнгин ва техника хавфсизлиги қоидаларига ҳамда шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқ амалга оширилганлигини жойига чиқиб ўрганади.

Бунда:

ўрнатилган энергия самарадор қурилмаларни сотиб олишга сарфланган харажатларнинг бир қисми Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан қопланиши тўғрисидаги ушбу Низомга 4-иловада келтирилган шаклга мувофиқ далолатномани тасдиқлайди ҳамда талабгорга юборади;

тақдим этилган ҳужжатлар тўғри ёки тўлиқ бўлмагандан ёхуд қурилиш-созлаш ишлари ёнгин ва техника хавфсизлиги қоидаларига ҳамда шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқ амалга оширилмаган тақдирда, ўрнатилган энергия самарадор ва энергия тежовчи қурилмаларни сотиб олишга сарфланган харажатларнинг бир қисми Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан қопланишини рад этиш тўғрисидаги ушбу Низомга 5-иловада келтирилган шаклга мувофиқ далолатномани тасдиқлайди ҳамда талабгорга юборади.

Талабгорлар ишчи гурухдан ўрнатилган энергия самарадор ва энергия тежовчи қурилмаларни сотиб олишга сарфланган харажатларнинг бир қисмини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан қоплашни рад этиш тўғрисидаги далолатномада кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этганларидан кейин, бир ой муддатда ушбу Низомда белгиланган тартибда ишчи гурухга такроран мурожаат қилишлари мумкин.

12. Ишчи гурух томонидан барча далолатномалар умумлаштирилганидан кейин, тегишли туман (шаҳар) бўйича компенсация тўлаб бериладиган талабгорлар рўйхати шакллантирилади ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликлари молия бўлимларига юборилади.

3-боб. Компенсация ажратиш тартиби

13. Туман (шаҳар) ҳокимликлари молия бўлимлари барча рўйхатларни умумлаштиради ҳамда ҳар ойнинг 5-санасига қадар компенсация тўлаш учун талаб этиладиган маблағларни ажратиш юзасидан тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари молия бош бошқармаларига (кейинги ўринларда – ҳудудий молия бошқармалари) мурожаат қиласди.

14. Ҳудудий молия бошқармалари туман (шаҳар) ҳокимликлари молия бўлимлари (кейинги ўринларда – ҳудудий молия бўлимлари) сўровларини умумлаштиради ҳамда ҳар ойнинг 10-санасига қадар компенсация тўлаш учун талаб этиладиган маблағларни ажратиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига мурожаат қиласди.

15. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳудудий молия бошқармаларининг сўровларига асосан ҳар ойнинг 20-санасига қадар компенсация тўлаш учун талаб этиладиган маблағларни Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетига ажратади.

16. Ҳудудий молия бошқармалари ажратилган маблағларни туман (шаҳар) маҳаллий бюджетларига ажратади.

17. Ҳудудий молия бўлимлари компенсация тўлаш мақсадида ажратилган маблағларни талабгорларнинг банк картаси ёки банк ҳисобварафига ўтказади.

4-боб. Якунловчи қоидалар

18. Энергия самарадор ва энергия тежовчи қурилмаларни харид қилиш ҳамда тижорат банкларидан ушбу мақсадлар учун олинган кредитлар бўйича фоиз харажатларининг бир қисмини қоплаш мақсадида ажратилган компенсация маблағларининг самарали фойдаланилиши устидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат молиявий назорати департаменти ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан доимий назорат амалга оширилади.

19. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар
қонунчилик хужжатларига мувофик жавобгар бўлади.

Энергия самарадор ва энергия тежовчи қурилмаларни харид қилиш ҳамда ушбу мақсадлар учун олинган кредитлар бўйича фоиз харажатларининг бир қисмини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари хисобидан компенсация ажратиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

Энергия самарадор ва энергия тежовчи қурилмаларни харид қилиш ҳамда тижорат банкларидан ушбу мақсадлар учун олинган кредитлар бўйича фоиз харажатларининг бир қисмини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан компенсация тўлаш

СХЕМАСИ




I. Компенсация миқдорини хисоблаш тартиби

1-босқич	Талабгор	Компенсация ажратиш юзасидан ушбу Низомга 3-иловада келтирилган шакл бўйича ариза билан ишчи гурӯхга мурожаат қиласди.	Ўз хошиига кўра
2-босқич	Ишчи гурӯх	<p>Ушбу Низомнинг 9-бандида кўрсатилган ҳужжатларнинг тўғри ва тўликлигини текширади ҳамда энергия самарадор ва энергия тежовчи қурилмаларни қурилиш-созлаш ишлари ёнгин ва техника хавфсизлиги қоидаларига ҳамда шахарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқ амалга оширилганлигини жойига чиқиб ўрганади. Бунда:</p> <p>ўрнатилган энергия самарадор қурилмаларни сотиб олишга сарфланган ҳаражатларнинг бир қисми Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан қопланиши тўғрисидаги ушбу Низомга 4-иловада келтирилган шаклга мувофиқ далолатномани тасдиқлайди ҳамда талабгорга юборади;</p> <p>такдим этилган ҳужжатлар тўғри ёки тўлиқ бўлмаганда ёхуд қурилиш-созлаш ишлари ёнгин ва техника хавфсизлиги қоидаларига ҳамда шахарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқ амалга оширилмаган тақдирда, ўрнатилган энергия самарадор ва энергия тежовчи қурилмаларни сотиб олишга сарфланган ҳаражатларнинг бир қисми Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан қопланишини рад этиш тўғрисидаги ушбу Низомга 5-иловада келтирилган шаклга мувофиқ далолатномани тасдиқлайди ҳамда талабгорга юборади.</p> <p>Талабгорлар рад этиш тўғрисидаги далолатномада кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этгандаридан кейин, бир ой муддатда ушбу Низомда белгиланган тартибда ишчи гурӯхга тақроран мурожаат қилишлари мумкин.</p>	Мурожаат келиб тушган кундан бошлаб 10 иш кунида
3-босқич	Ишчи гурӯх	Ижобий холосага асосан туман (шахар) ҳокимлиги молия бўлимiga (кейинги ўринларда – худудий молия бўлими) компенсация тўлаб бериладиган талабгорлар рўйхатини юборади.	Мурожаат келиб тушган кундан бошлаб 10 иш кунида

II. Компенсация ажратиш тартиби

4-босқич	Худудий молия бўлими	Барча сўровларни умумлаштиради ҳамда компенсанция учун талаб этиладиган маблағларни ажратиш юзасидан тегишилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларини молия бош бошқармаларига (кейинги ўринларда – худудий молия бошқармалари) мурожаат қиласди.	Ҳар ойнинг 5-санасига қадар
5-босқич	Худудий молия бошқармалари	Худудий молия бўлимлари сўровларини умумлаштиради ҳамда компенсация тўлаш учун талаб этиладиган маблағларни ажратиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига мурожаат қиласди.	Ҳар ойнинг 10-санасига қадар



Энергия самарадор ва энергия тежовчи қурилмаларни
харид қилиш ҳамда ушбу мақсадлар учун олинган
кредитлар бўйича фоиз харажатларининг бир қисмини
қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат
бюджети маблағлари ҳисобидан компенсация ажратиш
тартиби тўғрисидаги низомга

2-илова

**Энергия самарадор ва энергия тежовчи қурилмаларни харид қилиш
ҳамда тижорат банкларидан ушбу мақсадлар учун олинган кредитлар
бўйича фоиз харажатларининг бир қисмини қоплаш учун Ўзбекистон
Республикаси Давлат бюджетидан компенсация миқдорини ҳисоблаш ва
ажратиш бўйича туман (шаҳар) ишчи гуруҳининг
НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ**

T/p	Ф.И.О.	Иш жойи ва лавозими
1	Лавозими бўйича	Туман (шаҳар) ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва қамбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари – туман (шаҳар) иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими бошлиғи, ишчи гуруҳи раҳбари
2	Лавозими бўйича	Туман (шаҳар) электр таъминоти корхонаси бошлиғи ёки унинг ўринбосари, масъул ходими
3	Лавозими бўйича	Туман (шаҳар) газ таъминоти бўлими бошлиғи ёки унинг ўринбосари, масъул ходими
4	Лавозими бўйича	Туман (шаҳар) қурилиш бўлими бошлиғи ёки унинг ўринбосари, масъул ходими
5	Лавозими бўйича	Туман (шаҳар) фавқулодда вазиятлар бўлими бошлиғи ёки унинг ўринбосари, масъул ходими (ёнгин хавфсизлиги бўйича)
6	Лавозими бўйича	Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг вилоят (Тошкент шаҳар) худудий бошқармаси бошлиғи ёки унинг ўринбосари, масъул ходими

Энергия самарадор ва энергия тежовчи қурилмаларни
харид қилиш ҳамда ушбу мақсадлар учун олинган
кредитлар бўйича фоиз харажатларининг бир қисмини
қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат
бюджети маблағлари ҳисобидан компенсация ажратиш
тартиби тўғрисидаги низомга
3-илова

АРИЗА

1. Энергия самарадор қурилма номи
2. Энергия самарадор қурилманинг тури
3. Энергия самарадор қурилманинг куввати
4. Энергия самарадор қурилманинг жойлашган манзили

5. Энергия самарадор қурилманинг кафолат муддати
6. Энергия самарадор қурилмани ўрнатган ташкилот

		2	0	2	
--	--	---	---	---	--

ой йил

7. Энергия самарадор қурилманинг ўрнатилган вақти

		2	0	2	
--	--	---	---	---	--

ой йил

8. Ушбу маълумотларга қўйидагилар илова қилинади:

1.	
2.	
3.	
4.	
5.	
..	

варак
...

9. Вазирлар Маҳкамасининг 20__йил “__” __-сон қарори билан
тасдиқланган Энергия самарадор ва энергия тежовчи қурилмаларни харид қилиш ҳамда
ушбу мақсадлар учун олинган кредитлар бўйича фоиз харажатларининг бир қисмини
қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан
компенсация ажратиш тартиби тўғрисидаги низом талаблари доирасида ишчи гурӯҳ
тегишли ўрганишларни амалга ошириб жисмоний ва юридик шахслар томонидан ўрнатилган
энергия самарадор ва энергия тежовчи қурилмаларни харид қилиш ҳамда ушбу мақсадлар
учун олинган кредитлар бўйича фоиз харажатларининг бир қисмини қоплаш учун
Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан қопланиши бўйича белгиланган шаклига
мувофиқ далолатномани расмийлаштирганидан сўнг туман (шаҳар) ҳокимлиги молия
бўлими томонидан ажратиладиган маблағни банк картамга ёки банкдаги ҳисобварағимга
ўтказиб берилишини сўрайман.

Банк картаси ёки банк ҳисобвараги / банк реквизитлари:

10. Мен _____ ёки _____
(жисмоний шахс, Ф.И.О.,
телефон рақами, электрон почта манзили) (юридик шахснинг номланиши, ташкилий-хукуқий шакли,
СТИР рақами, телефон рақами, электрон почта манзили)

барча тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилигини тасдиқлайман

_____ (имзо)

Энергия самарадор ва энергия тежовчи қурилмаларни
харид қилиш ҳамда ушбу мақсадлар учун олинган
кредитлар бўйича фоиз харажатларининг бир қисмини
қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат
бюджети маблағлари ҳисобидан компенсация ажратиш
тартиби тўғрисидаги низомга
4-илова

**Ўрнатилган энергия самарадор қурилмаларни сотиб олишга сарфланган харажатларнинг
бир қисмини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан қопланиши тўғрисида
ДАЛОЛАТНОМА**

“___” 20___ йилдаги ___-сон

Мазкур далолатнома ишчи гурух раҳбари _____
(лавозими, Ф.И.О.)

ва ишчи гурух аъзолари _____
(иши жойи ва лавозими, Ф.И.О.)

Энергия самарадор қурилмани ўрнатган
жисмоний ёки юридик шахс _____
(жисмоний шахс Ф.И.О., юридик шахс номи)

Энергия самарадор қурилмани ўрнатган
жисмоний ёки юридик шахс вакили _____
(Ф.И.О.)

иштирокида энергия самарадор қурилмаларни ўрнатилганлиги тўғрисида тузилди.
Объектнинг номи _____

Объектнинг жойлашган манзили _____

Энергия самарадор қурилма _____ йил _____ томонидан ишлаб чиқарилган.
(ишлаб чиқарувчи номи)

Кафолат муддати _____
(оий, ийл)

Техник кўрсаткичи:

ишлаб чиқариш қуввати _____;
(kВт,...)

ўрнатилган қуввати _____.
(kВт,...)

Сарфланган маблағ:

ўз маблағи ҳисобидан _____;
(сўмда)

тижорат банки кредити ҳисобидан _____.
(сўмда)

Тижорат банки кредити:

фоиз ставкаси _____;
(фоизда)

фоиз ставкасининг Ўзбекистон Республикаси Марказий
банкининг қайта молиялаш ставкасидан ошган қисми _____.
(фоизда)

Тижорат банки кредити бўйича:

жами фоиз тўловлари харажатлари _____;
(сўмда)

фоиз ставкасининг Ўзбекистон Республикаси
Марказий банкининг қайта молиялаш ставкасидан
ошган қисми бўйича фоиз тўловлари харажатлари _____.
(сўмда)

Ушбу билан, жисмоний (юридик) шахснинг энергия самарадор қурилмани ишчи гурӯҳ томонидан кўриб чиқилганлиги ва қурилиш – созлаш ишлари

равишда амалга оширилганлигини маълум қиласди.

ХУЛОСА:

га Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан
(жисмоний шахс Ф.И.О., юридик шахс номи) сўм миқдорида компенсация тўлаш мақсаддага мувофик.

Ишчи гурӯҳ аъзолари:

Ишчи гурӯҳ раҳбари – туман (шаҳар)
 ҳокимининг биринчи ўринbosари

(имзо)

(сана)

туман (шаҳар) электр таъминоти корхонаси
 бошлиғи ёки унинг ўринbosари,
 масъул ходими

(имзо)

(сана)

туман (шаҳар) газ таъминоти бўлими
 бошлиғи ёки унинг ўринbosари,
 масъул ходими

(имзо)

(сана)

туман (шаҳар) қурилиш бўлими
 бошлиғи ёки унинг ўринbosари,
 масъул ходими

(имзо)

(сана)

туман (шаҳар) фавқулодда вазиятлар
 бўлими бошлиғи ёки унинг ўринbosари,
 масъул ходими

(имзо)

(сана)

Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг
 вилоят (Тошкент шаҳар) ҳудудий бошқармаси
 бошлиғи ёки унинг ўринbosари,
 масъул ходими

(имзо)

(сана)

Энергия самарадор ва энергия тежовчи курилмаларни
харид қилиш ҳамда ушбу мақсадлар учун олинган
кредитлар бўйича фоиз харажатларининг бир қисмини
қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат
бюджети маблағлари ҳисобидан компенсация ажратиш
тартиби тўғрисидаги низомга
5-илова

**Ўрнатилган энергия самарадор курилмаларни сотиб олишга сарфланган
харажатларнинг бир қисмини Ўзбекистон Республикаси Давлат
бюджетидан қопланишини рад этиш тўғрисида
ДАЛОЛАТНОМА**

“___” 20__ йилдаги ___-сон

Мазкур далолатнома ишчи гурӯҳ раҳбари _____
(лавозими, Ф.И.О.)

ва ишчи гурӯҳ аъзолари _____
(иши жойи ва лавозими, Ф.И.О.)

Энергия самарадор курилмани ўрнатган
жисмоний ёки юридик шахс _____
(жисмоний шахс Ф.И.О., юридик шахс номи)

Энергия самарадор курилмани ўрнатган
жисмоний ёки юридик шахс вакили _____
(Ф.И.О.)

иштирокида энергия самарадор курилмаларни ўрнатилганлиги тўғрисида тузилди.
Объектнинг номи _____
Объектнинг жойлашган манзили _____
Энергия самарадор курилма _____ йил _____ томонидан ишлаб чиқарилган.
(ишлаб чиқарувчи номи)

Кафолат муддати _____
(ой, йил)

Техник кўрсаткичи:

ишлаб чиқариш қуввати _____;
(кВт,...)

ўрнатилган қуввати _____.
(кВт,...)

Сарфланган маблағ:

ўз маблағи ҳисобидан _____;
(сўмда)

тижорат банки кредити ҳисобидан _____.
(сўмда)

Тижорат банки кредити:

фоиз ставкаси _____;
(фоизда)

фоиз ставкасининг Ўзбекистон Республикаси Марказий
банкининг қайта молиялаш ставкасидан ошган қисми _____.
(фоизда)

Тижорат банки кредити бўйича:

жами фоиз тўловлари харажатлари _____;
(сўмда)

фоиз ставкасининг Ўзбекистон Республикаси
Марказий банкининг қайта молиялаш ставкасидан
ошган қисми бўйича фоиз тўловлари харажатлари _____.
(сўмда)

Ушбу билан, жисмоний (юридик) шахснинг энергия самарадор қурилмани ишчи гурух томонидан кўриб чиқилганлиги ва қурилиш – созлаш ишлари

равища амалга оширилганлигини маълум қиласди.

Хуносас:

га Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан
(жисмоний шахс Ф.И.О., юридик шахс номи)
сўм миқдорида компенсация тўлаш мақсадга мувофиқ эмас.

Рад этиш сабаблари:

1. _____
2. _____
3. _____
4. _____
- _____
- _____

Ишчи гурух аъзолари:

Ишчи гурух раҳбари – туман (шаҳар)
хокимининг биринчи ўринbosари

(имзо)

(сана)

туман (шаҳар) электр таъминоти корхонаси
бошлиғи ёки унинг ўринbosари,
масъул ходими

(имзо)

(сана)

туман (шаҳар) газ таъминоти бўлими
бошлиғи ёки унинг ўринbosари,
масъул ходими

(имзо)

(сана)

туман (шаҳар) қурилиш бўлими
бошлиғи ёки унинг ўринbosари,
масъул ходими

(имзо)

(сана)

туман (шаҳар) фавқулодда вазиятлар
бўлими бошлиғи ёки унинг ўринbosари,
масъул ходими

(имзо)

(сана)

Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг
вилоят (Тошкент шаҳар) ҳудудий бошқармаси
бошлиғи ёки унинг ўринbosари,
масъул ходими

(имзо)

(сана)

